

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик ҳўжаликлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тадбиркорлик субъектлари кўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикада наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** этиб қайта ташкил этилсин ва куйидагилар унинг **асосий вазифалари** сифатида белгилансин:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро

стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва куёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Давоми 2-бетда ➡

100 МИЛЛИОН СЎМ ВА УЧ ХОНАЛИ УЙ

Ёхуд янгийўллик мураббийнинг навбатдаги ғалабаси

Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида, март-апрель ойлари давомида вилоят сектор раҳбарларининг жойларда оммавий сайёр қабуллари графика тасдиқланган эди. Қабул кунлари аввалдан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Тасдиқланган графикка асосан кунчи Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида Янгийўл шаҳри ва тумани фуқаролари учун оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Қабул жараёнида 57 нафар фуқаро вилоят ҳокими билан юзма-юз мулоқот қилди, ўз дарду ташвишларини айтди. Таъкидлаш жоизки, ҳокимга билдирилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этиш мумкин бўлган, бироқ, айрим мутасаддиларнинг етарли билим-савияга, мулоқот маданиятига эга эмаслиги туфайли ойлاردан-ойларга, йиллардан-йилларга ўтиб келаётган ҳолатлардир.

Тадбирда фуқаролар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди. 8 нафар фуқарога ногиронлик арава-часи ҳада қилинди. Шунингдек, шу кунчи сайёр қабулга келган аҳоли учун китоб савдоси, меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

...Даврон Қодиров Янгийўл шаҳрида яшайди. У худудий БЎСМ ди-

ректори. Яқинда иккита шогирди хорижда ўтган катта мусобақада олтин медал олиб қайтган. Таърибали устоз, моҳир мураббий ва педагог. Аммо, у сайёр қабул ҳақида эшитгач, ўзи раҳбарлик қилаётган мактабнинг моддий-техник базасини кучайтириш ҳақида ўйлаб юргани учунми, минг истиҳола билан мулоқотга отланди. Кейин...

Сайёр қабул жараёнида жонкуяр ва спортнинг ҳақиқий фидоиси бўлган бу инсон билан суҳбатлашган вилоят ҳокими нанкин мактаб таъмири, балки муаллимнинг оилавий ҳаёти, яшаш шароити билан қизикди. Суҳбат ақнида ажойиб шогирдларни вояга етказган, спортда ўзига хос мактаб яратган олган мураббийга вилоят ҳокимлиги томонидан уч хонали квартира бепул берилдиган бўлди. Шунингдек, мактаб таъмири учун вилоят бюджетидан 100 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди...

Б. ЎРМОНЖОНОВ



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Давлатимиз раҳбари раислигида 19 март куни бўлиб ўтган ёшларга эътибор, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ташаббус асосида бошланган "Раҳбардан ўн китоб" акцияси давом этмоқда.

«РАҲБАРДАН 10 КИТОБ»: АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Вилоятимиздаги кўплаб раҳбарлар, мутасаддилар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, акцияда фаол қатнашмоқдалар.

Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ва прокуратураси ходимлари саъй-ҳаракати билан Алишер Навоий хиёбонида тадбир ўтказилди. Унда туман ҳокими У. Атемов 19-умумий ўрта таълим мактабига 20 та китоб ҳада этди. Шунингдек, туман прокурори Ф. Абдусаломов, туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари Д. Йўлдошев, соғлиқни сақлаш бирлашмаси бош шифокори Х. Бобохонов, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ш. Усмонов

мактаб кутубхоналари учун 15 тадан китоблар совға қилишди.

Бундан ташқари, акция доирасида тумандаги қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги "Китоблар олами" дўкончи ходимлари томонидан ташкил этилган ярмаркада 1 минг 500 га яқин бадий, ҳуқуқий, илмий, тарихий китобларни харид қилиб, тумандаги 40 та мактаб кутубхоналарига топширишди.

Акция давом этмоқда.

Х. ЎРАЛОВА
А. ЮСУПОВ олган сурат

СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Мамлакатимизда ёшларнинг маънавияти, саводхонлиги, китобхонлигини ошириш, мусиқа ва санъатга, адабиётга қизиқтириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда барча ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, яъни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари, улар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.

Вилоят ҳокимлигида

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселекторда ҳам мана шу жиҳатларни қамраб олган "Беш ташаббус"ни илгари сурган эдилар.

Нурафшон шаҳрида вилоятимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари, соҳадаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш чораларига бағишланган мулоқот ташкил этилди.

Унда вилоят ҳокими Фулмон Ибрагимов худудларда фаолият кўрсатаётган барча спорт федерацияларининг раҳбарлари билан учрашиб, спорт функционерлари ва мураббийларнинг муаммоларини тинглади, ҳар бир федерациянинг моддий-техник имконияти, эришган натижалари ва келгуси режаларини муҳокама қилди.

Тан олиб айтиш керакки, бу соҳада вазият кўнгилдагидек эмас. Аксарият федерациялар ночор аҳволда, ички имкониятларидан келиб чиқиб, базур жон сақлаб келмоқда. Масалан, вилоят энгил атлетика федерациясининг машғулотлар

ўтказадиган алоҳида майдони йўқ. Бадий гимнастика федерацияси жойи йўқлигидан бошқа бир ташкилот худудида, озгаки келишувга кўра, ижара ҳақи бермаслик шарти билан (чунки бунга маблаг йўқ) фаолият кўрсатиб келаяпти. Қачондир бириктирилган ҳимийлар бугун турли важларни рўқча қилиб, ўзини олиб қочаяпти.

Оғир атлетика федерацияси Чиноздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори томонидан бошқарилади. Алоҳида жойи йўқ. Умуман, кўплаб федерацияларга раҳбарлик қилиш худудларда фаолият олиб бораётган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорларининг чекига тушяпти. Уларнинг қарийб барчаси ойликсиз, азбаройи спортга бўлган муҳаббати, иштиёқи туфайли федерация ишларини имкон қадар ташкил этиб келишяпти. Баъзи спорт федерацияларининг раҳбари сайланмаган.

Давоми 4-бетда ➡

ТЕРМИЗ ДУНЁГА ДОСТОН АЙТАДИ

Махсус муҳбиримиз
Сирожиддин Иброҳим Термиз
шаҳридан хабар қилади

Халқаро фестивалъ

Бирдамлик яхши-да! Халқнинг бирлашуви, халқларнинг дўстона муносабати фақат эзгуликка хизмат қилади. Бу бирликка аввало СЎЗ восита ўлароқ эришилади. Бахшичилик эса сўз санъатининг энг қадим, жозибали ва ўлмас намуналаридандир.

Дунёнинг турли давлатларидан, юртимизнинг чор тарафидан Термиз томонга бахши-шоирлар, оқин-жировлар, санъаткорлар, хунармандлар ва мухлисларнинг оқими бошланди. Уларни 5-10 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали чорламоқда...

Халқаро фестивалда иштирок этиш учун йўлга чиққан вилоятимиз делегацияси аъзолари Тошкент жанубий вокзалида жам бўлди. Уларнинг чехрасига боқиб, хушнудлик, туйғулар муштараклигини илғаб олиш мумкин эди. Поездда гуруҳ бўлиб кетишнинг ҳам завқи бор. Айниқса, ҳамсафарларнинг санъат одамлари бўлса.



БОЛАЛАРНИ БОҒЧАГА ҚАМРАБ ОЛИШ КЕНГАЙМОҚДА



Мактабгача таълим

Юқори Чирчиқ туманида 2 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизimini ривожлантириш, хусусан, янги-ларини ташкил этиш орқали болаларнинг боғчага қамровини кенгайтириш, таълим-тарбия сифатини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизimini янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари бу борадаги ишлар ривожига муҳим

дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан вилоятимизда ҳам боғча ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорларга бўш турган ер майдони ва давлат мулки объектлари хусусий мулк сифатида берилмоқда, имтиёзли кредитлар тақдим қилинмоқда.

Тараддуд

Ҳадемай, пилла мавсуми бошланади. Бу даврга пиллакорлар пухта ҳозирлик кўришлари, юқори ҳосил олиш учун янги технологияларни ўлаштириб, меҳнат қилишлари керак бўлади.

МАШАҚҚАТИ КЎП, ДАРОМАДИ ҲАМ ЧАККИ ЭМАС



Сир эмаски, узоқ йиллар мобайнида ипак курти катта машаққатлар эвазига боқилган. Бугун оила аъзолари мавсум давомида, кечяю-кундуз иш билан банд бўларди. Жониворлар катта бўлгани сари озуқага бўлган талаб ортар, баъзида барг топишда қийинчиликлар юзага келарди. Пилла ўраш давридаги юмушларни айтмайсизми...

Сўнги йилларда мамлакатимизда пиллачиликни жадал ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликларини кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик ҳўжалиқларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижалари ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётга жорий этилишини мувофиқлаштириш;

чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертифицирлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси таркибидagi, қўйидаги муассасалар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига ўтказилишига розилик берилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг қошидаги академик лицей;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси эпизоотик осойишталикни таъминлаш,

◀ Бошланғичи 1-бетда

ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликнинг барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун масъул давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

4. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг тизими ва ҳудудий ташкилотларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Илмий-тадқиқот ишлари, қўмита тизимидagi ташкилотларнинг моддий-техника базасини муостаҳкамлаш, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, ходимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурда Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб:

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказининг хизматлари кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 75 фоизи;

чорвачилик фермер ҳўжалиқларига сотиладиган уруғлар, сунъий уруғлантириш хизматини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда таққиланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва асаларчилик бошқармаси, Балиқчилик бошқармаси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурда фаолият кўрсатадиган «Ўзбекорванасл» агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

7. Агентлиkning асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

чорвачилик тармоғини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни ташкил этиш, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш,

чорва озуқа базасини муостаҳкамлаш; чорвачиликда соф генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш;

чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, тақрор кўпайтириш ва улардан оқилна фойдаланиш;

озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

чорва моллари бош сони 100 шартли ва ундан ортқ бўлган чорвачилик ҳамда паррандалар сони 100 минг бош ва ундан юқори бўлган паррандачиликка ихтисослашган ҳўжалиқларда алоҳида штат асосида ветеринария врачлари ва зоотехник мутахассисларнинг фаолият юритиши жорий этилади;

қорамолчилик йўналишидаги ҳўжалиқлар (бўрдоқчилик ҳўжалиқлари бундан мустасно) ҳамда аҳоли қарамоғидаги сигирлар Агентлик томонидан ишлаб чиқилган селекция режасига асосан мазкур ҳудуд учун бириктирилган зотдаги насли буқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимликлари ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Агентлиkning ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига фермер ҳўжалиқлари кесимида келгуси йил учун озуқа экинларини жойлаштириш режасини тақдим этади;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ҳўжалиқлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларни сунъий уруғлантириш учун фойдаланиладиган наслдор буқаларнинг музлатилган уруғи ҳамда кимё қорхоналари томонидан етказиб бериладиган суюқ азот харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 март

□ Бунёдкорлик

Вилоятимизнинг маъмурий маркази – Нурафшон шаҳри кун сайин чирой очиб бораёпти. Айни чоғда нурафшонликларнинг мароқли маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шаҳар марказида йирик маданий мажмуа – амфитеатр қурилмоқда.

НУРАФШОНДА
ЯНГИ АМФИТЕАТР

Қурилиш ишлари билан танишар эканмиз, бу майдон битказилгандан сўнг шаҳар ҳуснига қанчалик кўрқ қўшишини тасаввур қилиб кўрамиз: х у ш а қ ч а қ одамлар билан гажум майдон, қувнаб ўйнаб юрган болажонлар, чиройли гуллар, шодон мусиқа, гўзал фаввора, эҳ, қандай ажойиб!

Муҳандис Анвар Абдуҳакимов қурилиш ишлари билан танишар экан, амфитеатр 1 минг 200 ўринга мўлжалланганини, саҳнаси банд ва дунё стандартларига мос бўлишини, атрофи ободонлаштирилиб, мусиқий фавворалар қурилишини айтди.

Қурилиш ишлари "Бунёдкор Қушон қурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилмоқда. Лойиҳа қиймати салкам 10 миллиард сўм бўлган амфитеатрда 63 нафар ишчи туну кун меҳнат қилмоқда.

– Очиғи, шунақа чиройли иншоот қурилишида қатнашаётганимиздан чарқочни ҳам сезмаёلمиз, – дейди қурувчи Ҳасанбой Жўраев. – Эртага бу майдонда шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари ҳордиқ чиқариб, дам олишади. Ўзимиз ҳам оиламиз билан келиб, сайр қиламиз.

Отабек ИСРОИЛОВ
Бекзод ШАҲОБИДДИНОВ
олган сурат

«Qr-book» тизимида ишловчи
электрон «жавон» яратилди

Тошкент давлат аграр университетидa «Qr-book» тизимида ишловчи электрон китоб жавони стендлари жорий этилди, дея хабар беради ЎзА.

□ Инновация

Ушбу тизим орқали талабалар зарур китобларини қидириш учун вақт сарфламайди. Профессор-ўқитувчилар томонидан тавсия этилган ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланиш учун ўз смартфонлари орқали китобларни электрон нусхасини «QR-kod» орқали оқиб фойдаланишлари мумкин.

Мазкур лойиҳани Тошкент давлат аграр университетининг талабалари Саидали Аббасов ва унинг жамоадoshлари Диёр Хамидов, Аббор Йўлдошевлар яратди.

этилаётгани айни мuddао бўлмоқда. Биз ҳам ушбу имтиёزلардан фойдаланиб, «Юлдузча» мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйдик.

Муассасада машгулотлар ўзбек тилида олиб борилди. Инглиз ва рус тиллари, шунинг

лаларнинг соғлом ўсиши, замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди.

Хоналар зарур меъбел ва ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари 3 миллиард 390 миллион сўмдан ортқ маблағ йўналти-

рилди. – Тегшли «Йўл харитаси»га мувофиқ, жорий йил туманда 6 нодавлат, 4 давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган, – дейди Юқори Чирчиқ тумани мактабгача таълим бўлими мудири Фераз Исроилова. – Шу кунларда фаолият бошланган «Юлдузча» давлат-хусусий

тизимида ишловчи китоб мурола қилиш жойи ташкил этилмоқда. Улардан биринчиси яъни 120 китобни ўз ичига олган «QR-kod» билан ишловчи китоблар жавони мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети ўқув биносига ўрнатилди.

Маблуотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 21 мактабгача таълим муассасасида 2 мингдан зиёд бола тарбияланаётди. Бу туманда боғча ёшидаги болаларнинг 20 фоиздан ортқи мактабгача таълимга қамраб олинганини аниқлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистанга ошмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2023 йилгача тизимдаги қорхона ва ташкилотларга солиқ имтиёзлари ва бошқа қатор преференциялар берилди. Касаначилар даромад солиғи тўлашдан озод қилинган, уларнинг мавсум давомидаги меҳнати бир

моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида ҳўжалик ва касаначиларга мавсум олдиан бўнақ сифатида пул тарқатилди.

Таъкидлаш керакки, ўтган мавсумда вилоятимизда илк марта ёзда ҳам ипақ курти боқилди.

– Тақрорий пилла етиштириш технологияси яхши самара берди, – дейди «Тошкент агропилла» ходими Тоҳир Абдувоҳидов. – Ўзги мавсум баҳоргисига қараганда анча

МАШАҚҚАТИ КЎП,



йиллик сажга ҳисобланиши пиллакорларни руҳлантириб юборди.

«Тошкент агропилла» масъулияти чекланган жамияти берган маълумотларга кўра, 2018 йилда вилоят бўйича 21 минг 100 қути ипақ курти тарқатилиб, 1 минг 150 тонна ҳосил йиғиб олинган.

Сифатли пилла етиштиришда энг муҳими, ипақ курти вақтида озуқа етказиб бериш. Бу борада вилоятда пиллачилик қорхоналарини молиявий соғломлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш, маҳаллий тут дарахтларини кўпайтириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили вилоят бўйича 685 минг 500 туп тут кўчати экилгани кўрт озуқаси тақчиллигининг олдини олишда ёрдам бўлди. Шунингдек, Бекобод ва Оққўрғон туманларида оналик кўртзорлари ташкил қилинди.

Фермер ҳўжалиқлари билан шартнома тузган хонадонларга ипақ куртини парваришлаш борасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, зарур миқдордаги ўрама қорғоз, термометр, бўз мато, дезинфекция препаратлари ва бошқа воситалар етказиб берилди. Бундан ташқари, пиллакорларнинг

мураккаб. Шунинг учун бу жараён бир оз қийин кечди. Шунга қарамай, июнь ойида 65 тонна, августда эса, 218 тонна ҳосил олинди.

Ҳўш, пиллакорларимизнинг 2019 йилдаги режалари ва мавсумга тайёргарлик ишлари қандай кетмоқда?

– Жорий йилда вилоятимизда жами 1 минг 200 тонна «қумуш тола» йиғиб олиш режалаштирилган, – дейди «Тошкент агропилла» МЧЖ раҳбари Аҳмадхон Кенжаев. – Янги мавсумга тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда. Фермер ҳўжалиқлари ва касаначилар билан шартномалар имзоланди. Ҳозирда ипақ курти уруғлари келтирилиб, жонлантириш учун инкубаторларга қўйилди. Уларни 10 апрелдан тарқатишни бошлаймиз.

Вилоятимиз пиллакорлари бу йил тўрт марта: апрель, май, август ва сентябрь ойида пилла етиштиришни мақсад қилишган. Қуртларнинг озуқа манбаларини кўпайтириш учун 172 гектарли тутзорлар барпо қилиш ҳам назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, режалар катта, уларни амалга ошириш учун имкониятлар етарли.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири

ЭНГ НАМУНАЛИ МАКТАБ
САРДОРЛАР КЕНГАШИ

Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Энг намунали мактаб сардорлар кенгаши» танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

□ Танлов

Унда вилоятдаги 869 та умумий ўрта таълим мактабларига фаолият юритувчи 15 минг 642 нафар мактаб сардорларидан саралаб олинган 162 нафари жамоаларга бўлиниб иштирок этишди.

Танлов якунига кўра, Бекобод шаҳридаги 2-сонли умумтаълим мактаби сардорлар кенгаши 1-ўрин, Оққўрғон туманининг 34-сонли

умумтаълим мактаби жамоаси 2-ўринни эгаллашди. Ангрн шаҳрининг 33-сонли умумтаълим мактаби эса учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Ҳалиблар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгашининг дипломи ва эсдалки совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

БЕГУБОР
КУЛГУЛАР ОШЎНИ

Қуйи Чирчиқ туманидаги «Чинобод» маҳалласида 150 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур муассасанинг машгулотлар зали, қишки ҳамда ёзги бассейни, ўйин майдончаси, тиббиёт хонаси, шинамгина ошхонасида ҳамма шароитлар бор. Шунингдек, ҳар бир гуруҳда замонавий ювиниш хоналари ва бежирим меъбеллар билан жиҳозланган ётоқхоналар болажонлар хизматида.

– Муассасамизда кичкинтойлар 6 та гуруҳга қамраб олинган, – дейди тадбиркор Раъно Ғаниева. – Айни пайтда етмиш нафарга яқин болажонлар тарбияланмоқда. Улар учун гимнастика, соғломлаштириш, рақс, шунингдек, инглиз ва рус тили тўғраридаги фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. Яқин кунларда таъқондо ва сузмиш тўғрарида ҳам иш бошлади. Шунингдек, яқинда туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида 100 ўринли яна бир замонавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси қуришни режалаштирганмииз.

Ҳолида ЭҒАМБЕРДИЕВА

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

◀ Бошланғичи 1-бетда

Оҳангароннинг "Қурама" фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзолари бўлган ёш йигит-қизлар кўшиқ бошлаб қолади.

Кизлар:
Рўмолчамда гул расми,
Гул эмас, кўнгил асли.

Йигитлар:
Рўмолчанг гули дона,
Ишқингда мен девона.

Қолган ҳамсафарлар ҳам олқишу қийқириқ билан уларга жўр бўлади. Шу лаҳзада бир поезд юрак Сурхон томон кетиб бораётгандек тасаввур уйғонади кишида. Қашқадарёдан ўтиб, гўзал ва афсонавий Бойсунга кириб борарканмиз, йигит-қизлар деразадан боқиб, баҳор тароватидан завқланади, ораларида шу пайтгача тоғни кўрмаганлари икки ёнда қад кериб турган пурвиқор тоғларга қараб ҳаяжонланади.

...Тонгга уланган туннинг, узоқ йўлнинг қандай ўтганини билмай қолдик. Термиз вокзалда мезбонлар бизни карнай-сурнай садолари билан, иззатимизга етиб кутиб олди. Узимизга ажратилган бинога ўрнашдик. Нафас ростлагач, Термиз шаҳри марказида жойлашган Санъат саройи майдонида, яъни фестивал ўтаётган жойга йўл олдик. У ерда ҳар бир

Бошланғич 1-бетда

вилоятнинг қўрғон тиклаши учун ўрин ҳозирланган бўлиб, Тошкент вилоятига ажратилган ҳудудда вилоят ҳокими ўринбосари Одилжон Тоҳиев раҳбарлигида қизгин иш борарди.

ТЕРМИЗ ДУНЁГА ДОСТОН АЙТАДИ



Ҳар бир вилоят вакиллари ўз қўрғонини бошқаларникидан афзалроқ, эътибортортароқ барпо этишга уринмоқда. Улар ўзи яшаётган ҳудуднинг, аҳолининг маданиятини, урф-одатларини акс эттиряпти. Зум ўтмай бизникилар ҳам ишга кириш-

ди. Хунармандларимиз ўзлари билан келтирган ашёларни ёя бошладилар, санъаткорларимиз эса катта саҳнага чиқиб олди тайёргарлигини бошлаб юборди.

бўлди. Хунармандларимиз узрхоҳлик ила буюмларни сотишга эмас, кўргазма учун олиб келганини такрорлашдан чарчамади.

Еш бахши Талғатнинг куйлаши ҳам томошабинларни ўзига жалб қилди. Узанига сиғмаган дарё мисоли гувранаётган овоз, қозоқ ва ўзбек биродарлиги тараннуми ёшу қарининг дилига хуш насим олиб кирди.

"Тўрғай", "Паркент чашмаси", "Қурама" ансамбллари, "Шаҳноз" рақс жамоаси тайёргарлик жараёнидаёқ ўзига муҳлис топиб улгурди. Айниқса, "Қурама" ансамблининг аъзолари ва таниқли санъаткор Тошпўлат Матқаримовнинг чиқишларига ҳавас билан боқувчилар кўп бўлди.

Ансамблнинг бадиий раҳбари Байрамбай Атамурадов жараён ҳақида шундай дейди:

– Бошқа ҳудудда ва ўзга миллат вакилларига маданиятимизни тарғиб қилиш, уларни санъатимиздан баҳраманд этиш менга доимо қувонч бағишлайди. Ҳозир қаттиқ тайёргарлик кўраяпмиз, умид қиламизки, куй-кўшиқларимиз билан муҳлис қалбини забт этиб, биринчи ўринга сазовор бўламиз.

Тошкент вилоятининг Термиз шаҳрида қад ростлаган қўрғони ҳали меҳмонларни не ажиб лаҳзаларга ошно қилади. Биз эса ўқувчиларимизга фестивал тарғиботларини улашиб боришни ният қилганмиз.

Шуқуҳ

Бугунги кунда кўплай Ўзбекистон фуқаролари ҳам турли сабабларга кўра – бизнес, зиёрат ва меҳнат муҳожири сифатида чет мамлакатларда бўлиб турибдилар.

Кези келганда айтиш жоизки, мутараққий дунёда миграция жараёнига табиий қаралади. Аммо, меҳнат муҳожирилари билан фаол ишлаш, уларнинг кадр-қимматиға мурошиб баҳо бериш яқин-яқинларгача ўз ҳолиға ташлаб қўйилган эди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлариданоқ бу масалаға алоҳида эътибор қаратди.

РОССИЯДАГИ ЎЗБЕК ДИАСПОРАСИ ҲАМ НАВРЎЗНИ КЕНГ НИШОНЛАЯПТИ

Биринчидан, Президент тошқириниға кўра, чет эллардаги ўзбек диаспораси вакиллари билан мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги фаол диалог ўрнатди. Турли қутилмаган вазиятларда Ўзбекистон фуқароларига хорижда тезкорлик билан ёрдам кўрсатиш, фавқулодда ҳолатлар туғилганда, Ватанга қайтишлари учун шарт йратиш, чет элдаги эл-чихоналарда телефон орқали "қайноқ линия"ларни йўлга қўйиш ишлари ташкил этилди.

лар билан чиқадиған мамлакатлар қаториға қўшилишға изчиллик билан интилаяпти, ҳаракат қилаяпти.

Учинчидан, чет элларда бўлиб турган ватандошларимиз учун миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга амал қилиш, турли маросим ва тадбир ўтказиш ҳар жихатдан қўллаб-қувватланапти, ёрдам кўрсатилаяпти. Бу барча жабҳаларда, хусусан, маданият ва санъат соҳасида ҳам яққол намоён бўлаяпти.

Куйидаги жонли бир мисол фикримизнинг яққол исботидир.

Россия Федерациясининг Приморский вилояти, Владивосток шаҳрида яшовчи ўзбеклар жамоати ташкилоти – "Адолат"чилар Наврўзи оламини кенг нишонладилар.


Шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикасининг Владивосток шаҳридаги консуллиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ўзбекистонлик мигрантлар, бир қатор бошқа диаспоралар вакиллари иштирок этишди. "Кристалл" савдо марказидаги "Азия" ресторанидаги тадбирда қадимий удумларимизға кўра, кураш мусобақаси ўтказилди, миллий таомлар тортилди. Дошқозонда сумалак тайёрланиб, қатнашчиларға тарқатилди. Куннинг иккинчи ярмида таниқли хонанда Аҳдам Солиевнинг катта концерти бўлиб ўтди.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган мисол орқали хаёлға шундай фикрлар келади:

Ватан ҳар кун, ҳар дақиқада ўз фарзандлари билан бирга!

Ўзбекистон дилбандлари ҳам ҳаммиша ўз она юрти билан бирга!

Санд БОБОЕВ



Мансур ХИММАТОВ фото-лавҳаси

Аллазорларим

*Илдизига тупроқлар уйиб,
Сув ўрниға меҳримни қўйиб,
Қизарсалар қиз яноғидек,
Ҳар япроғин силайман сўйиб.*

*Баҳра олсин келиб қўрганлар,
Гулзоримға кириб кўрганлар,
Яшнаб кетсин лолажонларим,
Яйраб ўссин болажонларим.*

Элёр РАҲИМ

САНДИҚЧИЛАР ОИЛАСИ

Куйи Чирчиқ туманидаги "Хўжа" маҳалласилик Дилмурод Хусанов сандиқчилик билан шугулланади. Ҳозирда икки нафар шогирди билан кунига 2 та жамланма сандиқлар ясайди.

Ибрат

– Бу хунарнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, – дейди Д. Хусанов. – Аввало, ёғочнинг тўғри танланиши, ўймакорлик ишларининг эҳтиёткорона бажарилиши, шунингдек, янги гоғлар билан ишлаш маҳсулотининг сифатли ва харидор-ғир бўлишини таъминлайди. Ҳозирги кунда бу ҳолат ёшларимиз учун аҳамиятсиз, арзимас бир "юмуш" бўлиб қўринаётгани, ота-оналар учун ҳам одатий кўникмага айланиб бораётганидир.

Утмишга назар соладиган бўлсак, элда оилавий ажримлар қаттиқ қораланган, шунингдек, болаларнинг ота-онаси тирик бўлгани ҳолда етим бўлиб қолишларига ҳеч қачон йўл қўйилмаган. Бу шу элнинг ор-номус, шаъни билан боғланган. Аммо бугун бизға нима бўлаяпти? Ғурур, номус ва ҳамият билан боғлиқ азалий тушунчаларимиз қарда қолди? Эҳуд бу каби ажримларға

Ҳолда ЭГАМБЕРДИЕВА



Санд БОБОЕВ

Мулоҳаза

Эл орасида "Икки ёшнинг никоҳ кунинда самодан раҳмат нури ёғилиб туради, агар оила бузилса, арш титрайди", деган гап юради. Бу гап нечоғлиқ ҳақлигини билмадигу, аммо, оила бузилса неча-неча қалбларнинг дарз кетиши, кўнгилларнинг чил-чил синиши аниқ.

АРШНИ ТИТРАТАЁТГАН МАЛОМАТЛАР

Ачинарлиси, бир вақтлар аждодларимиз оила ажримиға улкан бир фожиға сифатида қарашган бўлса, бугунги кунда бу ҳолат ёшларимиз учун аҳамиятсиз, арзимас бир "юмуш" бўлиб қўринаётгани, ота-оналар учун ҳам одатий кўникмага айланиб бораётганидир.

Утмишга назар соладиган бўлсак, элда оилавий ажримлар қаттиқ қораланган, шунингдек, болаларнинг ота-онаси тирик бўлгани ҳолда етим бўлиб қолишларига ҳеч қачон йўл қўйилмаган. Бу шу элнинг ор-номус, шаъни билан боғланган. Аммо бугун бизға нима бўлаяпти? Ғурур, номус ва ҳамият билан боғлиқ азалий тушунчаларимиз қарда қолди? Эҳуд бу каби ажримларға



нисбатан енгил қарашлар ниманинг маҳсули? Қарда хато қилинди?

Барига бир-бирининг қошу кўзига, отасининг бойлиғи мансабига ёки иккинчи бирининг ширин каломига "учиб", бир ой, бир неча ой, нари борса, бир неча йил турмуш қуриб, "характерларимиз келишмади", "енгил-

тиши оммавий спортни ривожлантиришға тўсқинлик қилиши таъкидланди. Яқин йилларда вилоят спорт жамоатчилиги Нурафшон шаҳрига тўлалиғича кўчириб келинади. Барча федерациялар вилоятнинг маъмурий марказида фаолият кўрсатади. Аммо, унғача бўлган оралик вақт ҳам катта давр. Олдинда эса Олимпиада ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбияни кенг омма-лаштириш вазифаси турибди.

Йиғилиш давомида вилоят ҳокими масъулларға барча спорт федерацияларининг

СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

жалб этиш йўли билан ёрдам берармиз. – дейди вилоят ҳокими Ғулмуҳоммад Ибрагимов. – Аммо, барча спорт федерациялари келгуси йилда яна ҳомийға кўз тикиб ўтирадиган бўлса, ишимизда бирор ўзгариш бўлиши даргумон. Спорт жамиятлари учун яратилган молиявий имкониятлар, солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланиш керак. Кўшимча маблағ топиш йўлларини биргаликда ўйлайлик. Вилоят маъмуриятидан қандай ёрдам керак бўлса, биз тайёрмиз. Федерациялар қошида тадбиркорлик билан шугулланмаган десангиз, лозим бўлса, бир сўм эвазига сизға бино, ер ажқидланди. Бош мақсад – илоҳи борича кўпроқ аҳолини спортға жалб этиш бўлиши лозим. Масала шундай қўйилган тақдирдагина вилоятимизда чемпионлар, спорт усталирининг чинакам мактаби яратилади.

Мулоқотда келгусида ҳудудда спортни ривожлантиришнинг бош гоғи қандай бўлиши кераклиғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Унға кўра, спорт жамоатчилиғи йирик мусобақаларни мўлжал қилиб ишламаслиғи кераклиғи таъкидланди. Бош мақсад – илоҳи борича кўпроқ аҳолини спортға жалб этиш бўлиши лозим. Масала шундай қўйилган тақдирдагина вилоятимизда чемпионлар, спорт усталирининг чинакам мактаби яратилади.

Мулоқотда келгусида ҳудудда спортни ривожлантиришнинг бош гоғи қандай бўлиши кераклиғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Унға кўра, спорт жамоатчилиғи йирик мусобақаларни мўлжал қилиб ишламаслиғи кераклиғи таъкидланди. Бош мақсад – илоҳи борича кўпроқ аҳолини спортға жалб этиш бўлиши лозим. Масала шундай қўйилган тақдирдагина вилоятимизда чемпионлар, спорт усталирининг чинакам мактаби яратилади.

Мулоқотда келгусида ҳудудда спортни ривожлантиришнинг бош гоғи қандай бўлиши кераклиғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Унға кўра, спорт жамоатчилиғи йирик мусобақаларни мўлжал қилиб ишламаслиғи кераклиғи таъкидланди. Бош мақсад – илоҳи борича кўпроқ аҳолини спортға жалб этиш бўлиши лозим. Масала шундай қўйилган тақдирдагина вилоятимизда чемпионлар, спорт усталирининг чинакам мактаби яратилади.

Бошланғич 1-бетда

Ўз мухбиримиз



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3 апрель кунини вилоятимизда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Баъзи жойларда кучли момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундиға 7-12 метр тезликда эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундиға 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 10-15, кундузи 17-22 даража илқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда кучли ёмғир ёғиши мумкин. Қор кўчиши хавфи бор.

так экан", "масъулиятсиз экан, оилани тебрата олмайди", деган куракда турмас бахоналар билан ажрашиб бораётганлар сабабчидир!

Шу жумладан, ота-оналар ҳам! Улар "Тенги чиқса текин бер" қабилида, фарзандларининг, неваларининг келажагини, тақдирини, қолаверса, оила шаънини, гурур-номусини кепак баҳосида "сотиб" юборишмоқда.

Халқимизда, донони ақли, но-донни ақлсизлиғи, камбағални но-чорлиғи, бойни бойлиғи, диндорни эътиқоди, имонсизни эътиқодсизлиғи бузади, деган ҳикмат бор. Ўйға толамини, ёшларимизни но-донлиғи, тажрибасизлиғи бузаётгандир, аммо ота-оналарни нима бузмоқда?

Оила бузилса, йигит амал-тақал қилиб йўлини топиб кетар, қиз-чи? Майли, қоқинар, суринар, у ҳам бир йўлини топиб кетар, аммо (топа олмаса-чи?) ўртадаги болада нима айб? Барча жабр, зулм унинг зиммасиға тўшмайди?

Тоқайгача биз, катталарнинг ношудлиғимиз, худбинлиғимиз, қолаверса, калтабинлиғимиз жабрини беғуноҳ болалар тортиши керак?

Бундай болалар бир умр ўзларини ташлаб кетилган, ҳеч кимға кераги йўқ ҳисоблаб, кўп ичида ўзларини айбдор санашиб, бошқаларға нисбатан нафрат ҳиссида яшашини ўша, ҳаётни ўйин биллаётган "катта"лар англашармикан?

Эркин НОРСАФАР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиғи

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.
Электрон
почталар:
thaqiqat@mail.uz
th-tp@mail.ru

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-90-82
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмуҳуджас
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ